Битиувчиларга ташхис маркази тавсияномаси шаҳодатноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилиб топширилади. Мактабни аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланиб, таълим муассасасида ташкил этилган «Бизнинг фахримиз» китобига фотосуратлари жойлаштирилади.

Бити्रувчи шаҳодатномани қўлга олгач, уларга кўнглидан ўтаётган туйғуларини ифодалаш учун сўз берилиши мумкин. Тадбирни нечоғли уюшқоқлик билан, самарали ўтказиш мактаб маъмурияти ҳамда тадбирни ташкиллаштирган ишчи грухига боғлиқ

Айрим таълим муассасаларида бундай маросимлар учун бити्रувчилардан маълум миқдорда маблағ йифиш, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларни турли қимматбаҳо совғалар билан сийлаш ҳамда тантаналарни ўқувчи ёки ўқитувчиларнинг хонадонларида, ресторан ёки қаҳвахоналарда катта маблағ талаб этадиган тарзда ўтказиш қатъиян ман этилади. Бундай хатти-ҳаракатлар туман халқ таълими бўлимлари томонидан қатъий назоратга олиниши зарур.

РТМ «Маънавий-маърифий ишлар» бўлими



“СОГЛОМ ОНА – СОГЛОМ БОЛА” КОНЦЕПЦИЯСИ – АМАЛДА

Фарзанд хонадонимиз чироғи, наслымиз давомчисидир. Ҳа, айнан фарзандлар туфайли ҳаёт давом этади, миллатимиз, анъана ва қадриятларимиз асрлар оша яшайверади. Шу мънода фарзандга, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиб бормокда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Софлом она — соғлом бола” концепцияси замирида она ва бола саломатлигини асраш вазифаси, келажак авлодларнинг камолотини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган мазкур йўналишдаги тиббий-ижтимоий ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Жумладан, оналар ва болалар ўлимий кескин камайди. Аҳолига бирламчи тиббий-профилактика, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тизим шакллантирилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш борасида қабул қилинган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич бажарилиши натижасида фертиль ёшдаги аёлларни мукаммал тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди. Оила шифокорлари тиббий профилактика тадбирларини доимий асосда амалга оширмоқда. Бу кўриқни бирламчи шифо масканлари – қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласий поликлиникаларда амалга ошириш учун барча шароит яратилган. Улар ЭКГ, флюрография, УЗИ, эндоскоп, фибраскоп ва лаборатория таҳлил воситалари билан таъминланган. Кўрик жараёнида аниқланган хасталиклар амбулатор ва стационар шароитда даволаниб, туғиши ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликларни сезиларли паражала камайтиришга аришилмоқда.

даражада камайтиришга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 июнда қабул қилинган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шартшароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Жойларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни тиббий кўрикдан ўтказиш орқали ирсий касалликларни мумкин қадар эрта аниқловчи скрининг марказлари ташкил этилди. Туғруқ комплексларида Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти томонидан тавсия этилган «Бехатар оналик» ҳамда «Болага дўстона муносабатда бўлиш» дастурларига биноан оналар ва болалар касалликлари ҳамда ўлимининг олдини олишга қаратилган янги перинатал технологиялар жорий этилмокда.

Президентимиз Ислом Каримовни 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 1 июляда қабул қилинган “2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва санарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастурламал бўлаётир.

— Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳузурида «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш» штаби, вилоятлар марказлари ва туманларда унинг филиаллари ташкил этилган, — дейди Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. — Штаблар томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича жорий маълумотлар тўпланиб, таҳдил килинмоқда. Кишлоп ахолисига



малакали тиббий хизмат кўрсатишида жойлардаги тиббий муассасалар фаолиятини янада яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник басасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҚВПларда оналар ва болалар, ўсмиirlар, аёллар ва аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида Республика репродуктив саломатлик маркази, Педиатрия илмий-тадқиқот институти, Республика ихтиослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳлар ушбу шифо масканларида бўлиб, бирламчи тиббий муассасалар шифокорлари бу борада якиндан кўмак бермоқда.

Тиббиёт муассасалари таълим масканлари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари, ФХДЕ органлари ва омавий ахборот воситалари билан ҳамкорликдаги тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда репродуктив саломатлик-

нам уни келин қилиш истагини билдиргач, "белги" килиб қўйгандик, — дейди самарқандлик Шарофат Раҳимова. — Кудаларнинг истагига қарши бора олмай ўн олти ёшида турмушга бердик. Мана энди жабрини тортаяпмиз. Қизим ҳомиладорликни ниҳоятда кийин ўтказди. Набирам муддатига етмай, етти ойлигига туғилди, энг ёмони, ҳали турмуш сабокларига тайёр бўлмаган қизим билан кўёвим тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолди. Оқибатда ёш оила бузилди, узоқ йиллик дугонам билан орамизга совукчилик тушди. Ўйлаб қарасам, айб ўзимизда экан. Ҳаммасига сабаб қизимнинг ок-корани танимасдан оила қургани экан.

Ҳа, қизларни оила қуришга, она бўлишга, фарзанд тарбиялашга тайёр гарлиги етарлича бўлмай туриб, балоғатга етмасдан турмушга узатиш ўша оиласнинг келажаги омонат бўлишига олиб келишини бу каби ҳаётини мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Эркак ёки аёл турмушнинг барча жавобгарлигини ўз зиммасига ололмас экан, улар оила қуриши мумкин эмас, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур. — Динимизда никоҳ

Бироқ баъзи отоналар ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига «тўй куни тайин, вақтида ўтказмасак гап-сўз кўпаяди», деган баҳонада тўйни тезроқ ўтказиб олиш пайди бўлмоқда. Ана шундай бир жуфтлик тўйдан кейин тиббий кўрика келди. Текширишлар жараённида уларнинг бира-рида руҳий хасталик борлиги маълум бўлди. Натижада янги ҳаёт бошлаган ёшлар ажрашиб кетди.

Яна бир воқеа. Тиббий кўрик натижаларидан сўнг бўлажак куёв бир эмас, бир нечта ҳавфли юкумли касалликка чалингани маълум бўлди. Тўрт мучаси соғлом киз эса ҳаммасини билатуриб турмуш қуриш фикридан қайтмади. Бўлажак келин ўз ҳаётини барбод қилибгина қолмай, туғилажак фарзанднинг соғлигини ҳам хатарга кўяётганини, ҳар қанча тушунтиришларга қарамай, англаб етмади. Натижада ногирон фарзанд дунёга келди.

ҚЎЛИДА БОЛА, ҚЎЙНИДА БОЛА, БЎЙИДА БОЛА

Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартларидан бири түргуқлар орасидаги муддатни саклашдир. Фарзанд-

эмизадилар. Бу эмизиши камолига итказиши истовчилар учундир» («Бакара»-233).

«Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ахратиш (муддати) ўттис ойдир...» («Ахкоф»-15).

Бу даврда ҳомила пайдо бўлса, эмизики чақалоқнинг ризқ-насибаси «ке-сиплиб» қолади.

Боланинг шакланиши ва ривожланишида она сутининг аҳамияти бекиёсdir. Она сути 2 йил мобайнида гўдакка асосий ва энг афзал озуқадир. Она сути таркибида маҳсус иммун гормонлар бўлиб, улар бола организмини турли хил касалликларга чидамли, ҳаётининг дастлабки кунларидан соғлом ва бақувват бўлиб ўсишини таъминлайди. Она сутининг яна бир бебаҳо хусусияти шуки, у боланинг аклий ривожланиши мөъёрида кечишида мухим ўрин тутади.

Агар бола 3-4 ойга тўлмасиданоқ аёл яна ҳомиладор бўлиб қолса, кўкрак сутининг таркиби ўзгаради ва ўз хусусиятини йўқотади, шу боис у эмизики бола учун зарага айланади. Бундай вазиятда, аксарият оналар боласини кўкрак сути билан озиқлантишини тўхтатади. Оқибатда, болалар ўзларининг саломатлиги ва аклий ривожланиши учун энг мухим неъмат бўлмиш она сутидан бебаҳра қолади.

Бундан ташқари, ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига сарфлаб бўлган она организми бир-бир ярим йил ичидан дунёга келадиган навбатдаги фарзанднинг ривожланиши, туғилиши, ҳаётининг дастлабки кунлари ва ойлари учун мухим физиологик, руҳий ва психология кувватин тўла бера олмайди. Устига-устак ҳали ёшига етмаган болани парвариши қилиш оналардан кўшимча вақт, куч, эътибор ва эмоционал ривожланиши учун шароит яратилади. Бу муддат сакланмаган ҳолда онада камқонлик ривожланиди ва аёл организми касалликларга бериувчан бўлиб қолади. Навбатдаги ҳомиладорлик туғайли туғилган чакалоқни кўкрак сути билан эмизиши давом эттириб бўлмайди, ҳомиланинг ривожланиши ва ўсиши учун зарур озиқ моддалар етишмайди.

Афуски, шифокорлар кўрсатмасига риоя қилмай, саломатлигига бефарқ қарайдиган баъзи аёллар билиб туриб ўз ҳаётини хатарга кўймоқда.

Афуски, шифокорлар кўрсатмасига риоя қилмай, саломатлигига бефарқ қарайдиган баъзи аёллар билиб туриб ўз ҳаётини хатарга кўймоқда.

Тошкент шаҳридаги түргук мажмуаларидан бирига йигирма иккى ёшлардаги ҳомиладор аёл оғир ахволда олиб келинди. Бундан бир йил олдин биринчи фарзандини кесир кесиш усулида дунёга келтирган бу аёл ўзи истиқомат қиладиган худуддаги оилавий поликлиникада бир неча бор тиббий кўриқдан ўтказилган. Бундай ахволда яна ҳомиладор бўлиш ҳаётига жиддий хавф туғидиши шифокорлар томонидан ўтирилиб, контрацептив воситалар билан таъминланган. Бироқ у шифокорларнинг кўрсатмаларига риоя қилмай, қайнонасининг «ёшлигингизда, куч-куватингиз борида туғиб олинг, болалар бир-бирини етаклаб катта бўлаверади», деган гапига кулоқ тутиб, иккичи бор фарзанд кўришга қарор қилган. Ҳали қўлида эмизики боласи бор она учун ҳомиладорликни ҳаётини кечди, камқонлик уни ҳолдан тойдирди. Туғруқонада шифокорлар она ва боланинг ҳаётини асрар қолиш учун қаттиқ курашдилар. Ҳомила сақлаб қолинди, аммо аёл ногуд бўлди.

Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш масаласи кўпгина ислом давлатарининг диний экспертизаси томонидан ҳам кўллаб-куватланмоқда, — дейди Абдулазиз Мансур. — Башқача айтганда, кўпчилик ислом давлатларида контрацепция воситаларида фойдаланиш кенг миқёсда кўлланиммоқда. Аллоҳдан соғлом, ақли, наслимизга, ҳалқимизга, давлатимизга ва динимизга хизматда бўладиган комил фарзандларни умри билан, ризқи билан беришини сўрашимиз ва шунга интилишимиз ҳамда тайёр бўлишимиз керак. Ҳар бир туғилаётган фарзанд ота-онасининг исталган боласи бўлиб, уларнинг муҳабати, парвариши ҳамда ғамхўрлигига сазовор бўлишга ҳақлидир.

Ҳар томонлами соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш тадбирлари замирида ҳам баркамол авлодни вояга етказиш мақсади мужассам. Зоро, оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги жамият равнақининг мухим кафолатидир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎЗА шархловчиси**

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНГ МУХИМ ҚАФОЛАТИ

нинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатларига бағишиланган давра сұхбатлари ташкил этилмоқда.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган «Оила дорилғунуни» машғулотларига жалб килинаётган бўлажак келин-куёвларга шифокорлар, ҳуқуқ-шунослар, хотин-қизлар кўмиталари ходимлари никоҳчага тиббий кўриқдан ўтишнинг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги мавзуларида атрофлича маълумот бермоқда.

Айни вактда ёшларнинг асосий қисми олий таълим даргоҳлари, касб-хунар коллежлари ва лицейларда ўқиётгани ҳисобга олиниб, мазкур таълим муассасаларида «Ёш оила қурувчиликлар мактаби» ташкил этилди. Махсус дастур асосида ўтказиладиган машғулотлар, мавзуга оид давра сұхбатлари, турли семинарлар ёшларимизнинг тиббий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этилмоқда. Баркамол авлод йилида оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юза-сидан маърифий-тарбибот ишларининг қарови янада кенгаймоқда.

Бироқ, бундай кенг қаровли тадбирларга қарамай, репродуктив саломатлик талабларига зид равишида қизларнинг барвақт турмушга чиқиши, қонуний никоҳсиз турмуш қуриш, туғрulkar оралигидаги мақбул муддатга риоя этаслиқ, никоҳдан олдинги тиббий кўриқка бепарвоник билан қараш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

КИЗИНГИЗ ТУРМУШГА ТАЙЁРМИ?

Кузатув ва таҳлилларда қизларнинг эрта турмуш қуриш ҳоллари кўп учраётгани ачинарлидир.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг ҳаётда ўз бахтини топишини, унинг орзу-хавасини кўришни истайди, — дейди Ф.Рахматуллаев. — Лекин байзи ҳолларда фарзандининг ана шу «яхши» нияти курбонига айлануб қолётганини ҳамма ҳам чуқур ўйлаб кўрмайди. «Қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим» деган қараш билан фақат ўз ҳоловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўкишини давом эттириши ёки эгаллаган касб-хунари бўйича ишлashing тўсқинлик қиласидиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ўн саккиз ёшга кирмай турмушга узатилган қизлар оиласи ҳаётга, она бўлишга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёрни бўлмаслиги аниқ. Эрта турмуш қурган, коллеж ёки лицейда ўқишини тамомлашга, мустакл ҳаётда ўз ўрнини топишга улгурмаган қизларимиз қандай килиб муносиб уй бекаси, келин ва она бўла олиши мумкин?

— Қизим ҳали болалигигидаёт дуго-


ёши кўрсатиби, вояга етган аёлга ўйланиш кераклиги билосита билдирилган. Жуфтликлар никоҳнинг ижтимоий талабларини қондира олиши, ўйрўзгорни юритиш ва фарзандларини тарбия қилишга қодир бўлишлари шарт.

Тиббиёт ходимларининг қайд этишича, ёшларнинг расмий никоҳдан ўтмай турмуш қуриш ҳоллари учраб турибди. Шарый никоҳ асосида турмуш курганлар болали бўлгач, фарзандининг туғилганик тўғрисидаги гуваҳномасини олиш учун ФХДЕ бўлимларига мурожаат қўлмоқдалар. Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларida эса никоҳ ёшига етмаган 15-16 ёшдаги ўсмир қизлар орасидаги түргуқлар сони ошганлиги бу худудларда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш тадбирларининг самарали ташкил этилмаганлигини кўрсатади. Демак, ота-оналар ўртасида, маҳалларда қизларни барвақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш асосатларини тушунтиришга оид ишларни танқидий таҳлили қилиш ва тегиши чора-тадбирларни кучайтириш зарур.

ТИББИЙ КЎРИК — МУСТАҲКАМ ОИЛА, СОҒЛОМ ФАРЗАНД ОМИЛИ

Оила — муқаддас кўрғон. Шу боис халқимиз янги ҳаёт остонасига қадам кўйган ёш келин ва кўёвларга доимо эътибор ва эҳтиром кўрсатади. Отабоболаримиз қиз узатиш, келин танлашда бўлгуси кудаларнинг насл-насибини сўраб-суршистирган замирида ҳам ёшларнинг ширин ҳаёт кечириши, келгуси авлодларнинг соғлом бўлишига қаратилган эътибор мужасам.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аёллар саломатлигини муҳофазалаш ва соғлом фарзандлар туғилишида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари йўлга кўйилгани мухим омил бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 23-оиласий поликлиника аҳолига ана шу йўналишида ҳам кенг хизмат кўрсатмоқда. Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш учун келган йигит-қизларга ўз саломатлигини асрар, соғлом оиланинг шакллантириш бўйича зарур маълумотлар берилади. Ўтган ҳили қарий учариминг нафар бўлгач келин-куёв тиббий кўриқдан ўтиш. Уларнинг эллиқдан зиёди ижтимоий хавфи юкори хасталиклар билан касалланганни аниқланди ҳамда тегишили шифохоналарга жўнатилди. Кўриниб турибди, ушбу тадбир инсон ҳаётини учун хатарли курбонига айлануб қўйилган юниси. Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш учун келин-куёв тиббий кўриқдан ўтиш. Уларнинг эллиқдан зиёди ижтимоий хавфи юкори хасталиклар билан касалланганни аниқланди ҳамда тегишили шифохоналарга жўнатилди. Кўриниб турибди, ушбу тадбир инсон ҳаётини учун хатарли курбонига айлануб қўйилган юниси. Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш учун келин-куёв т



МАЬНАВИЯТ КУНИ

ИНСОНИЙЛИК ВА МАХОРАТ ТАРБИЯСИДИР

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда маънавият ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Зоро, маънавият одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган ҳамда инсон ва жамият ҳаётида унинг ўрни ва аҳамияти бекёс ҳисобланади.

Бу ҳақиқатни чукур англаған ҳолда маънавиятимизни юксалтириш учун доимий иш олиб боришими, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этишимиз зарур бўлади.

Айни шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўйруғи имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз, унга кўра, 2010 йил февраль ойидан бошлаб А.Авлоний номидаги XTXKTMOMI ҳамда худудий ПККТМОИларида барча йўналишлар бўйича курсларнинг охирги куни "Маънавият куни" деб белгиланди. Чунончи, февраль ойидан эътиборан республикамиздаги барча ҳудудий малака ошириш институтлари ойнинг маълум кунидаги маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўтказишнинг асосий марказларига айланади. "Маънавият куни"ни ўтказишдан мақсад баркамол авлодни тарбиялашда энг аввали ўзлари ибрат бўлган ҳолда педагог кадрларнинг Ватанга садоқат, миллатпарвар ва инсонпарвар, иймон-эътиқоди мустаҳкам, касбий маҳорати юқори, инсоний муносабатларни ўзида мужассам этган юқсан маънавиятли шахс фазилатларини янада такомиллаштиришдир.

Маънавият кунининг биринчи ярмida тингловчилар учун давлат ва жамоат арбоблари, таникли олимлар, мутахассислар, маданият, адабиёт ва спорт вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Тингловчилар билан Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатига сеёҳат ташкил этилиб, депутатлар ва се-

наторлар билан учрашувларда уларнинг ишларни тартиби, таркиби тузилиши, фаолияти ва депутатларга яратилган иш шароитлари билан танишадилар. Депутатлар тинглов-

чиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Чунончи, ҳудудий ПККТМОИлар тингловчиларининг вилоят ҳалқ депутатлари Кенгашларига саёҳат ва учрашувлари шу тарзда ташкил этилиши мумкин.

Институт биносида давлат ва жамоат арбоблари, таникли олимлар, адабиёт, санъат ва спорт вакиллари билан учрашув ўтказилганда гуруҳ раҳбарлари маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор раҳбарлигига маърифий тадбир дастурини ёки сцена-рийсини ишлаб чиқади ва учрашувни асосда ўтказади.

Маърифий тадбирга ташриф буюрган шоир ва ёзувчilar ўз ижодларидан намуналар ўқиб, таникли актёр ва кўшиқилар ўз репертуарларидан намуналар ижро этади ва ҳ.к. Бу чиқишиларнинг барчаси тадбир мавзусига мос келиши, Ватан мадхи, ўтмиш тарихи-мизга ва миллий қадриятларга хурмат руҳини тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Ўз навбатида ВПККТМОИларида учрашув ва ижодий кечаларнинг қуйидаги йўналишлари тавсия қилинади:

— вилоят ҳалқ депутатлари Кенгашига саёҳат ва депутатлар билан сұхbatlар;

- вилоят драма театри жамоаси вакиллари билан учрашув;
- институт биносида ёзувчи ва

шоирлар иштирокида ижодий кеча ташкил этиш;

— ёш санъаткорлар, турли танловлар галибларининг концерт дастурини ўтказиш;

— таникли спорт усталари ва турли иқтидор вакиллари билан учрашувлар;

— машхур тадбиркорлар ва фермерлар билан давра сұхbatlari ўтказиш;

— "Табиатни асранг" мавзусида эколог олимлар билан сұхbatlар уюштириш;

— ҳудуддаги машхур инсонлар билан учрашув ташкил этиш.

"Маънавият куни"нинг иккинчи қисм тадбирлари доирасида республикамиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун ҳудуднинг дикқатга сазовор жойларига, мукаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилади.

Бу тадбир дастурини тайёрлаганда "Ватан туйғуси", "Миллий урф-одатларимиз, анъана ва маросимларимиз, мукаддас қадамжоларга, зиёратгоҳларга саёҳатлар" мавзулари танлаб олинади. Зоро, жамиятимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва тараққий этиришда ҳалқимизнинг бой маданий тарихини чукур ўзлаштириш, жаҳон маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллаган алломаларимизнинг меросини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамиятга эга. Улар яратган қадриятлар, улкан мерос ва асарлар ҳақида муайян билимга эга бўлиш ўзлигимизни англашда, миллий гоянинг тарихий асосларини эгаллашда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қиласди.

А.ХАСАНОВ,
А.Авлоний номидаги XTXKTMOMI
"Маънавият асослари"
кафедраси мудири,
доцент



ЯНГИ НАШР ЭТИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 12-MRT-2010.

Тендер номи: дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни янги ва қайта нашр этиши юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-й.

Молиялаштириш: давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиши учун нашриётларни таклиф этади.

Тендер савдоларида қайта ташкил этиш (бўлиш, кўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиши билан шугулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган маҳбуриятларни зарур даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашли буюртмачига шарномони бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга жавоб бериши лозим.

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг оригинал макетига бўлган ҳуқуқ Буюртмачи ва Нашриётлар ўртасидаги шартномага мувофиқ Буюртмачига берилган.

Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг номи ва нусхаси қўйидагилар:

2	Адабиёт	8	Қирғиз	1 089	Қайта нашр
3	Адабиёт	8	туркман	1 013	Қайта нашр

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Мехнат филиали, МФО:00423, СТИР 201122808) ҳисоб рақамига 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш ўйли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилади.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 10 майдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегиши қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-й, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг иккى фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси билан бирга 2010 йилнинг 25 май куни соат 14:00 га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Тендер таклифлари 2010 йил 25 май куни соат 15:00 да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-й) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Тендер комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чоралидан келиб чиқсан ҳолда Тендер ҳужжатининг I боб 6-бандида белгиланган тартибида Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишнинг охирги муддатни узайтириши мумкин. Барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охирги муддатидан ўзгарган муддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

Пакет рақами	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Нашр тури
1	Информатика ва хисоблаш техникаси асослари	8	Барча тилларда	548 055	Янги нашр
	Информатика ва хисоблаш техникаси асослари методика	8	Ўзбек, рус, корақалпоқ	15 997	Янги нашр



9-may — Xotira va qadrlash kuni

Эндиғина фан номзоди бўлиб, илмда бир нарсани қойил қилиб кўйгандек “ғоз” юрадиган пайтим. Дарсга қўнгироқ чалинишига бироз вақт бор. Институт ҳовлисида — тоза ҳавода туриб эдим, папкаларини кўксига босиб Абдураҳмон ака келиб қолдилар. Салом-алиқдан сўнг:


— Ҳа, ёлғон-яшиғлардан бормиди, бу ерда ўўддайиб турибисиз? — деб сўраб қолдилар.

— Дарсим бор эди, қўнгироқ ҳали вақт бор экан, тоза ҳавода турибман. Устоз, нега, сиз дарсни доим “ёлғон-яшиғ” деб атайсиз? — деб саволга тутдим.

— Ҳа, сизнинг ҳазрат Навоий ҳақидаги маърузаларингиз, менинг буюк Пушкин ижоди хусусидаги гапларим “ёлғон-яшиғ” бўлмай нима? Бу даҳолар ҳақида муқаммал сабоқ бермоқ учун мударрис камида уларнинг шогирди даражасида бўлиши лозим. Бунинг устига, биз билан сиз мадраса кўрмаганимиз,

1955 йили А.Алимуҳамедов Наманган педагогика институтида рус ҳамда чет эл ҳалқлари адабиётларидан дарс бера бошлади. Тақдир тақозоси билан яна Тошкентга қайтган А.Алимуҳамедов Низомий номидаги олий ўкув даргоҳида Шайхзода, Ҳакимжон Ҳомидий, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаев, Ўткир Рашид каби устозлар билан ҳамкорлик қилди. Рус филологияси кафедрасининг доценти сифатида умрининг охиригача (1985) рус ҳамда чет эл ҳалқлари адабиёти тарихидан маъруза ўқиб юрган Абдураҳмон Алимуҳамедов ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этарди: Шайхзода бошқарган адабий машғулотларидан қолмас; Ҳайридин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Анвар Истроилов, Тамила Қосимова, Пирмат Шермуҳамедов ижодини кузатиб борарди; Юсуфнинг

лиги меъёри асосида ғоятда синчковлик билан таҳлил қилинган, адабнинг санъаткор сифатида камолот касб этиб бориши кўрсатиб берилган. Мақолада муаллиф энди ёзувчи қаҳрамонлари дарду ҳасрати, кулгу шодлиги, изтиробу даҳшати, фавқулодда қувончу фахрими имоишора, бир сўз ёки ибора, ноғаҳоний хатти-ҳаракат орқали кўрсатишига, майда-чўйда деталлар воситасида кучли кечинмаларни ифодалай олишга эришатганини аниқ далиллар орқали асослаб кўрсатган. Шунинг учун ҳам бу мақола ҳамон илм-адаб аҳли на зарида, бу гу н ёзилган-дек севи и б ўқилади.



ЗАКИЙЛИК ЗУХУРИ

гапни чўрт кесдилар.

Бу киши адаб илмини нозик тушунадиган, закий донишманд, “муаллиф рақиби” даражасидағи мутаржим, жонфило педагог Абдураҳмон Алимуҳамедов эди. Бўлажак серқирра олим 1909 йили Фарғона шаҳрида дунёга келди. У 1924 йили ўша кезлардаги биринчи босқич ўрта мактабни туттагач, Москвага бориб, ишчилар факультетининг ўзбек бўлимига ўқишига кирди. Аммо соғлиғи ёмонлашгач, ўқишини Тошкентга кўчиришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Абдураҳмон ака 1930 йили Ўрта Осиё давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг ишчилар факультетини туттади; 1939 йили эса, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг рус филологияси факультетини сиртдан имтиёзли диплом билан тамомлайди.

Олий ўкув ютидаги таҳсилдан сўнг, Абдураҳмон Алимуҳамедов дастлаб Ўзбекистон давлат нашиёти ҳамда радиоэшиттиришлар қўмитасида мухаррир, таржимонлик қилиб юрди; 1944—1946 йиллар давомида ҳукумат идораларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда у таржимонлик билан ҳам жиддий шуғулланди: радионинг адабий-драматик эшиттиришлар бўлими учун жаҳон ёзувчиларининг сара ҳикояларидан намуналар ўғириб берди.

Абдураҳмон Алимуҳамедов 1948 йили “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Тақризчилар ва файрирасмий сўзга чиқсанлар тадқиқот атрофидга жиддий баҳс ўюштирилар. Охир-оқибатда эса, ушбу иммий иш адабиётшуносликда бир янгилик сифатида юқори баҳоланди. Уша кунлари у Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг иммий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди. Худди мана шу йиллари ўюштирилган қатагон Абдураҳмон акани ҳам ўз комига тортди...

юморлари, Пирматнинг дадил фикрлари устозга ўқиб тушарди; Ҳайридиннинг Ҳайнрих Ҳайнендан таржималарига йўл-йўрик кўрсатгандарининг гувоҳи бўлганман. Мен фикрда чўртке-сарлик билан андишалик Абдураҳмон акада мужассамлашганига ҳайрон қолардим. Буни устознинг Ўқтам Усмонов ҳамда Ҳайридин Салоҳ ижодига муносабатларида кўп кузатганим. Талабалар иммий анжуманларида сўзга чиққанида ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик, меҳрибонлик билан гапириб, дастурий мулҳазалар, изҳори ақида қиласди. Гоҳида баланд овоз билан гапирадиган, аслида эса, ерга қараб соқин юрадиган Абдураҳмон ака яқин дўстлари Мақсуд муаллим сингари бошларига замона зайлни туширган мусибатларни эслашни асло истамасди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари иммий ва бадиий ижод майдонига кириб келган Абдураҳмон Алимуҳамедов замонавий адабиётнинг долзарб муаммоларини ўрганиш билан жиддий шуғулланди: ҳар бир шоир шеъриятининг ўзига хос айрича хусусиятларини, поэтик сеҳрини илғашга интилди. Ёш олим дикқатини бадиий адабиётдаги руҳият тасвири ўзига жалб этди. Шуниятда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя ва романларидаги санъаткорлик сеҳрини, хусусан, улардаги психологик тасвири алоҳида дикқат билан, тадрижийликда ўрганиб чиқди. Натижада адиб Абдулла Қаҳҳор психологик тасвирига бағишлиган бир туркum тадқиқотлар вужудга келди. Уларнинг илк наомуни “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир” (“Шарқ ўлдузи” журнали, 1947, 2—3-сонлар) деб номланади. Унда адабнинг “Гумроҳ”, “Тангрининг кулгуси”, “Анор”, “Бемор”, “Афлотун мұхаббати”, “Олам ёшарди”, “Хотинлар”, “Майиз емаган хотин”, “Невара”, “Йиллар” сингари бир қанча ҳикоялари мазмун ва шакл бир-

Устоз илмий-педагогик фаoliyatini илмий-услубий ишлар билан узвий боғлаб олиб борарди. У рус ва чет эл ҳалқлари адабиёти бўйича дастурлар яратди, мажмуа-хрестоматия, антологиялар тузишда иштирок этди; жаҳон ҳалқлари адабиёти дурдоналиридан кўплаб намуналарни ўзбек тилига ўғирди. Ана шу кўпийллик тажриба, ўқишиз-изланишлар натижаси ўлароқ “Антик адабиёт тарихи” (1969) юзага келди. Бу дарсликнинг бошқашу силсиладаги китоблардан туб фарқи шундаки, муаллиф компилитивлик (бор далилларни жамлаб, бир системага солиши) анъанасидан воз кечган. Шунинг учун ҳам китобнинг ҳар бир боби муайян давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, кенг ёритилган бирон-бир ёзувчи поэтик маҳоратининг иммий таҳлиллари асосида чиқарилган мутлақоянги, мустақил лўнда хуносалардек ўқилади. Бундан ташқари, барча боблардаги иммий истифодага жалб этилган ҳамма асарларни, лавҳа ёки парчаларни муаллиф ўз таржимасида берган. Хуллас, “Антик адабиёт тарихи”ни ўқисангиз, фақат муаллифга тааллуқли оламжаҳон иммий-назарий билимларга эга бўласиз, бадиий асар ўқигандек фасоҳат ва балоғат туйғуларига соҳиб бўласиз. Китобнинг барқарор дарслик сифатида қолаётганининг асосий сеҳри ҳам ана шундадир, балки.

Абдураҳмон акани қилни қирқ ёрадиган адабиётшунос, ўта меҳрибон мураббий сифатида соҳа донишмандлари кўп эслашади. Чунки у кишининг “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир” тадқиқоти, “Антик адабиёт тарихи” дарслиги бундан 40—50 йил бурун ёзилган бўлишига қарамай, ҳамон кенг илм-адаб аҳлига ҳузур баҳш этмокда, маърифат улашмокда. Демак, домла ўз умрбоқий асарлари билан ҳамма замон аҳлига ҳамкору ҳамдаст.

Ҳамиджон Ҳомидий,
профессор

ЭҲТИРОМ

Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганлар орасида ёши йигирмадан ошиб қолган Бўрлибой ҳам жанг майдонига кетиш учун навбат кутиб, дала юмушларини бажарив юрди. Аммо ҳадеганда уни ҳарбий бўлимга чақиришавермади. Бориб ариза билан мурожаат қилди. Ниҳоят 1942 йилнинг кузида бир гурух чақирилган аскарлар билан фронтга жўнаб кетди.

Бўрлибой Саитқулов 1920 йили Зомин туманинг Аччи қишлоғида туғилган. Душманига ҳамла қилувчи, забардаст бўлсин деб ота-онаси унга “Бўрлибой” деб исм юйишиди. Аммо айрим сабабларга “Бўрлибой” бўлиб ёзилиб кетган.

Шундай қилиб, ҳарбий хизматга чақирилганларни дастлаб Саратовга олиб келиб тайёргарлик машқидан ўтказишиди. Бўрлибой у ерда алоқачи-жангчилар бўлинмасида тайёргарликни ўтаб, жанг майдонига жўнади. 1-Украина фронтида шаҳару қишлоқларни душмандан озод қилиш жангларида фаол иштирок этди.

— Бир куни аскарларимиз ўрмон ичида жангга тайёргарлик кўраётган эдилар, — деб ҳикоя қиласди Бўрлибой ака. — Биз алоқачилар душманинг саъй-ҳаракатларини кузатиб, жангчиларимизга хабар бериб туриш учун жўнадик. Душман биз томон бостириб келаётганини сезиб қолдик ва алоқага чиқиб огоҳлантиридик. Аскарларимиз дарҳол ўзларини ўнг томонга олиб сергак турдилар. Душман эса тўғридан ҳужум бошлади. Ўнг томондаги асосий куч ҳужумга ўтиб фашистларни тор-мор келтирдик. Ўша жангдан сўнг алоқачи гурухимиз тақдирланган.

Б.Саитқулов урушда жасорат кўрсатиб, орден ва медаллар билан қишлоғига қайтиди. Ўқитувчи бўлиш истагида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ҳужжат топшириб, тарих йўналишида таҳсил олди. 1951 йилда институтни тамомлаб, Аччи қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик кила бошлади.

Педагогик меҳнат фаoliyatini одий ўқитувчиликдан бошлаган Бўрлибой Саитқулов мактаб илмий бўлим мудири, мактаб директори сифатида ёш авлод таълим-тарбиясига бор куч-ғайратини бағишилади. Шудавр мобайнида Бўрлибой ака кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Бугун тўқсон ёшли Бўрлибой отанинг хонадонидан одам аримайди. Ҳамкаслари, шогирд ва фарзандлари кучоқ-кучоқ гул кўтариб таълим фидойиси, уруш ва меҳнат фахрийи Б.Саитқуловни табриклиб кетишмоқда.

Сайдулла Қозокбай ўғли,
Зухра Қозокова



Илик түйғулар ва ҳаяжон бирлашганда кўз олдингизда осмонларга бўй чўзган, чексиз самога интилган шаффофф «маликалар» – фавворалар гавдаланади. Уларни кўрганингизда қалбингизда беихтиёр нафис ва гўзал ҳислар жўш уриб, юзингизда баҳорий кайфият – майнин табассум акс эта бошлади. Вужудингизни аллақандай сиз кутмаган, ҳаётин сурур уйғотадиган эпкин силайди. Ушбу соҳир холатга сабабчи бўлган билур маржонлар тизимидан сачраётган майнин томчилар сизни табиат, тириклик, ҳаёт, умр ҳакида ўй суришга чорлади. Яшашга иштиёқингиз кучяди. Янги орзулар, умидлар оғушида қоласиз. Шу тариқа, қалбингиздаги бор ғашлик, кундалик юмушлар ташвиши, ҷарчоқдан бир зум холи бўласиз.

БИЛЛУР ТОМЧИЛАР СВАХРИ

Фавворалар ҳақида сўз юритишдан олдин ушбу сўзнинг келиб чиқиши ҳамда унинг лугавий маъносига тўхтабиб ўтсак. Фаввора сўзи лотин тилида «Фонтис», яъни «булоқ, сув томчиси, маҳсус қувурлар ёрдамида юкорига шиддат билан отиласиган сув» маъносини билдиради. Фаввораларнинг дастлабки ва замонавий кўринишлари Рим маҳдиси ва меморлари томонидан яратилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларга кўра, биринчи замонавий фаввора Римда 1739 йили барпо этилган ҳамда унга «Рим фавворалари» номи берилган. Улар ёғоч ва кўроғиндан ишланган. 1763 йилга келиб фаввораларнинг умумий кўринишига ўзгаришилар киритилди ва таг қисми тошли қилиб ишланса бошлади. Ёғочдан ишланган қисми эса мармар билан алмаштирилди. Яъни, бунда фиштдан ва мармар қопламали гранитдан фойдаланила бошланди. Ганчкор (такта) безаклар ўрнини кўроғини эгаллади.

Бугунги замонавий шаҳарларни гул мисол очилиб, баҳри дилни яйратгувчи фаввораларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Шу ўринда фаввораларнинг мураккаб маҳдислиларни сифатидаги меъморий кўринishi ва дизайнни ҳақида гапириб ўтиш лозим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунда меморлардан сувнинг қайта ютилиши, сув чиқадиган маҳсус қувурларнинг жойлашиши ва уларнинг оралиқ масофасига катта аҳамият қаратиш талаб этилади.

РИМ «ЮРАГИ»

Кўхна ва навқирон Римда машҳур обидалар бисёр. Масалан, Колизей. Бирок «гладиаторлар майдони» қанчалик донгдор бўлмасин, Римнинг «юраги» сифатида «Треви» фаввораси тилга олинади. У дунёдаги энг гўзал ва қадимий фавворалардан бирни ҳисобланади. У жойлашган ҳудудни римликлар «шаҳримиз юраги» деб атасади. Интернет манбаларида келтирилишича, олис юртлардан ташриф буюрувчи сайдхонлар мазкур фаввора ховузида чўмилиш учун кунига бир ярим минг евро тўлайди. Тушган даромад эса хайрия ишларига сарфланади.

Айтиш мумкинки, Италияда «Треви»дан ташқари, яна жуда кўплаб фаввора-

ларни учратиши мумкин. Ажабланарлиси, уларнинг орасида XV–XVIII асрларда курилганлари ҳам мавжуд. Бундай ажойиботлар қаршисида бир муддат туриб, ҳаёлан тарих унчалини киши.

6600 ФОНУС ЁРУҒЛИГИДАГИ МҮЖЖИЗА

Маълумки, Дубай ўзининг ноёб, ҳайратомуз ҳамда жуда ҳашаматли бинолари билан етти иқлимда машҳур. Ана шундай ноёб сув иншоотларидан бири «WET Design» компанияси томонидан бунёд этилди. Бу – сайёрамизнинг энг антика, нодир, шу билан бирга энг қиммат меъморий асари, — «Дубай фаввораси»dir. Ушбу маҳбобатли фавворанинг курилишига компания оз эмас, кўп эмас, нақд 217 миллион доллар сарфлаган.

Фавворанинг ўзига хос томонлари кўп, албатта. Ҳусусан, у «йинқароқ» сувни 152 метр баландликкача кўтара олади, турли тусда товусдек товлантирувчи 25 дона улкан проектор ҳамда 6600 рангдаги фонулар ёрдамида ҳар хил кўринишга кириб, турли шакллар ҳосил қиласди. Мазкур сув иншооти қошидан ярим кечаси ўтиб қолсангиз борми, фоят нозик дид ва маҳорат билан саҳналаштирилган спектакль устидан чиқиб қоландек туясиш ўзингизни...


Хеч иккilonishsiz, дунёning энг

бетакрор иншоотлари сирасига киритишга арзийдиган мазкур сувдан «ясалган» асар аллақачон дубайликларнинг фахрига айланаб улгурди.

МАФТУНКОР «ФУСУНКОР»

Испаниянинг бошқа шаҳарларидан яққол фарқланиб турадиган Барселона шаҳридаги фаввораларни эса чин маънода «дунё мўъжизалари» дейиш мумкин. Бу ерда ҳам худди Римда бўлганидек жуда қадимий фавворалар мавжуд. У ердаги энг ёш тарихий сув иншооти XIX асрга хосдир.

Bilasizmi?



юрган сайдхонлар жаннатмонанд масканнинг сунъий кўли соҳилидан туриб, ҳақиқий гўзлликдан баҳраманд бўлишади.

Билур томчилар Паваротти, Бочелли сингари жаҳон мумтоз мусиқа вакиллари, шунингдек, опера юлдузларининг дилтортар қўшиқларию, майнин мусиқалари остида «ракс»га тушади. 1175та сув чиқариш қувурлари, 80 метрли баландлик ва 4500та маҳсус чироқлар ўрнатилган ушбу фавворани кузата туриб, унинг барпо этилиши учун 40 миллион АҚШ доллари сарфланганлиги бежизга эмаслигини англаб етасиз.

«ОСМОНОУПАР» ҲАЙРАТ

Женевадаги энг баланд фаввора ишга тушгандан кўп ўтмай, шаҳарликлар ифтихорига айланди. Узунлиги 140 метр ва сув тушиш тезлиги 200 км/соатни ташкил этадиган ушбу фаввора аввалига Рона дарёсининг тепа қисмидаги қад ростлаган ва шу боисдан ҳам унчалик машҳур эмасди. Вазиятни тўғри баҳолай олган шаҳар маъмурятини кўп ўтмай уни шаҳар марказига кўчиришга қарор қиласди. Бугунги кунга келиб, Женевани ушбу фавворанинг бемисл тароватисиз тасаввур килиб бўлмайди.

Биз бугун айрим хорижий мамлакатлардаги энг гўзал ва файриоддий фавворалар ва уларнинг бетакрор жилолари, мўъжизавий имкониятлари ҳақида ҳикоя қиласди. Зотан, учар «олмос раккосалар» инсон тафаккурининг маҳсулли, улуғвор туйгуларнинг ўзига хос куадрати сифатида дунёга келган.

Айни пайтда бу бетакрор сунъий «шаршара»лар – фаввора номи билан инсон ҳиссий олами ва рангин орзуларининг шарорасига айланади. Шунинг учун ҳам, улар ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда ва ҳар қандай ҳолатда бизнинг чексиз руҳий олами-мизни мафтун этаверади. Фавворалар эса ана шу тарзда инсон ва табиат ўртасидаги пинхоний ракобат ҳамда ошкоро муросанинг абадий тимсоли бўлиб қолаверади.

Шахина ЖУРАЕВА
тайёрлади.

ОКЕАН САТҲИННИ КЎТАРАДИ


Гляциолог (барча турдаги табиий музликларни ўрганувчи) олимлар сузиг юрувчи музликларнинг океан сатҳи кўтарилишига кўшаётган хиссасини ўрганиши мақсадидаги тадқикот ўтказдилар. Уларнинг мавзуга бағишиланган мақолоси «Геофизикал ресэрч лэйттерс» илмий журналида нашр этилди.

— Бир қарашда, айсбергларнинг эриши океан сатҳига таъсир кўрсатмаслиги керак, деган фикр туғилади, — деди бу борада мутахассислардан бири, Океанология институти (АҚШ) ходими Алекс Жеймс.

— Чунки одатда музликлар ўз вазни билан улар эригандан кейин ҳосил бўладиган сув ҳажмига тенг океан суви қисмини сиқиб чиқаради.

Лекин изланни океандаги шўр ва музликтарнинг чучук суви ўртасида фарқ борлигига кўрсатди. Аниқорги, шўр сувнинг зичлиги нисбатан катта экан. Шу сабаб айсберг эригандан сўнг ҳосил бўлган чучук сув ҳажми музлиқ сиқиб чиқарган шўр сув ҳажми қараганда кўпроқ бўлади. Бу эса музликлар эриши натижасида океанларнинг умумий сатҳи кўтарилади, деганидир.

Мазкур ҳолат тадқиқотчиларни сузувчи музликлар туфайли океан сатҳи қанчага кўтарилишини хисоблаб чиқишига унади. Жараёнда олимлар даставвал Дунё океанинг барча айсберглар ҳажмини аниқлашди. Бунда Антарктида соҳилларидан ажralaётган музликлар, Арктиканинг сузувчи «муз қоялари» ва айсберглари ҳажми эътиборга олинган. Якунда эса мутахассислар уларнинг йиллик эриш ҳажми океан сатҳини 0,3 миллиметрга кўтариади, деган тўхтамга келишиди.



ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРАДИ

Океан орти мутахассислари маҳсус тадқиқот ўтказган ҳолда очлик инсон организми иммунитет тизимининг кучайтишига сабаб бўлишини аниқладилар. inauka.ru электрон саҳифаси маълумотларига кўра, изланиш Бостон (Масачусетс штати)даги Тафтс университети қошидаги овқатланиш масалалари лабораторияси ташаббуси билан амалга оширилган.

Тажрибада 20-40 ёшлар ўртасидаги 46 нафар кўнгилли иштирок этган. Қатнашчиларнинг вазни меъёрий кўрсаткичидан бироз баландроқ бўлган. Мутахассислар уларни ихтиёрий равишда иккى гурухга ажратиб, бойга овқатланиш тартибига ўзгаришига киришига тушади. Ҳусусан, қатнашчилар одатда истеъмол килалигидан маҳсулотлар бироз паст калорили турдагиларга алмаштирилган. Бу кўрсаткич биринчи гурух аъзолари учун 10 фоиз, иккинчи гурух вакиллари учун эса 30 фоизга камайтирилган. Иштирокчиларга факат тадқиқот муаллифлари томонидан таклиф этилган озиқ-овқатни ейиш руҳсат берилган.

Таъкидлаш зарурки, тажриба бошида кўнгилларнинг иммунитет тизими ҳолати баға тасдиқларни ўтказдиганини таъсирчандиганни кўрсатди. Олимларнинг таъкидлашича, бу изланни туфайли Т-хужайралари ва кисқа муддатли очлик ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги амалда илк бора ўз тасдиғини топди.

Лобар АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.




НОЁБ ТУР САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Ёввойи ҳайвонлар химоячилари дриллар гурухига мансуб маймунларни ўз қарамогига олди, деб хабар берди АП. Аслида дриллар Атрофмұхит ва табиии ресурсларни химоя қилиш халқаро уюшмасининг Қызыл китобига киритилган. Бойиси улар йүқолиб кетаёттган жонзорларнинг бири хисобланади: уюшма берган маълумотларга қараганда, бу тур маймунлар сони ҳозирда 10 мингдан камни ташкил этади.

**ЭНЕРГИЯНИ ГАЗГА
АЙЛАНТИРИШ
МУМКИН(МИ?)**

Германияда Куёш ёки шамол электростанцияларида ишлаб чиқарилған, айни пайтда ортиқча ҳисобланған энергияни метан табиии газига айлантириши имконин берадиган маҳсус технология яратилди. «Корреспондент.нет» манбасида айтилишича, бу ҳақда Фраунгофер немис жемияти эълон қилған.

Эътиборлиси, бу йўл билан олинган метан ҳозирда фойдаланилётган газ инфратузилмасида ҳам кўлланилиши мумкин. Лойиха Баден-Вюртемберг федерал ҳудудидаги Куёш энергияси ва водород тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур технология асосидаги ўнлаб мегаватт қувватига эга станция 2012 йилдан ишга туширилиши режалаштирилмоқда.



Лойиха муаллифларидан бири Михаэль Спектнинг таъкидлашича, ҳозирча Штутгартда янги тизим синовдан ўтмоқда. Технологиянинг ишлаш тамойили куйидагича: унинг ёрдамида ортиқча энергиядан фойдаланған ҳолда сув кислород ва водород моддаларига ажратилади. Сўнгра карбонат ангидрид ва водороднинг кимёвий реакцияси орқали метан гази ҳосил қилинади. Кейинчалик исталган вақтда газдан қувват олиш учун фойдаланиш мумкин.

Айтиш керак, Германия ва бошқа қатор мамлакатларда ҳам энергияни мештан гази шаклида сақлаш тажрибаси тез орада амалиётга жорий қилиниши кутиляпти. Бундай ишларнинг самарадорлиги 60 фоиздан ортиқ экани мутахассислар томонидан баҳоланди.

— Фикримизча, маълум бир пайтда ва маълум жойда сарфлаб бўлмайдиган электр энергиясини буткул йўқотгандан, мазкур усул билан уни сақлаб қолган афзал, — деди бу борада Спект.

**ОГРИҚ ҚОЛДИРИШНИНГ
ЎЗГАЧА УСУЛИ**

Инглиз гастроэнтерологарининг фикрича, гипноз ёрдамидаги даволаш усули бир қанча ичак қасалларни ва ошқозондаги оғриқларни қолдириш учун жуда самарали ҳисобланади. Қолаверса, гипнотерапия орқали беморлар бу хасталиклардан буткул соғайиб ҳам кетиши мумкин, дейилади наука.км.ru сайтида.

Жараёнда Буюк Британия олимлари бош мия ва ичаклар ўртасидаги боғлиқлик ҳамда уларнинг бирбирига таъсири нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда изланиш олиб боришган.

Тадқиқот пайтида шифокорлар ичакларида оғриқ бўлган 100 нафар беморга гипнознинг таъсирини ўрганишган. Натижада, уларнинг 90 фоизида касаллик туфайли безовталаниш ҳолати бартарафа этилган. Эътиборлиси, 40 фоиз қатнашчилар эса хасталиқдан батамом ҳалос бўлгани аниқланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, терапиянинг бу каби ўзгача усули туфайли умуман барча иштирокчиларда ахвол яхшиланиши ҳолати кузатилган. Шу сабаб, қелгусида гипнотерапияни амалиётга кенг жорий этиш кўзда тутилмоқда.

**ДИККАТ,
ДИККАТ!**

Самарқанд вилояти, Ургут тумани Ўрамас ҚФЙга қарашли Дўнгқишлоқ маҳалласида яшовчи 11.06.1990 йили туғилган, Ниёзова Мухлиса Кобилбоевна 2010 йил 6 апель куни соат 12:00ларда яшаб турган уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Йўқолган шахс ҳақида маълумот: Ниёзова Мухлиса Кобилбоевна 11.06.1990 йили Ургут туманида туғилган. Ушбу туманинг Ўрамас ҚФЙга қарашли Дўнгқишлоқ маҳалласида яшайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси, турмушга чиқмаган, миллати ўзбек, муқаддам судланмаган, ёшлигидан 2-гурӯҳ ногирони, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз.



Белгилари: бўйи 155-160 см., ўртача тана тузилишига эга, соchlари қора, қошлари қалин, бурни тўғри, тишлари табиии, олдинги юқори иккни тиши каттароқ.

Алоҳида белгилари: ўнг оёғи чўлоч, ўнг оёқ олди болдирида ва шу оёқ сонида Зтадан операция чандиклари бор.

Мухлиса уйидан чиқиб кетаётганида бошяланг ҳолда, эгнида қора рангли, оқ чизиқли, оқ гуллари бор бўлган кўйлак, оёғида қизил рангли резина шиппак бўлган.

Фуқарони кўрган ёки билганлар бўлса, ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд вилояти Ургут туман прокуратурасига хабар беришларининг сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 101-йи, телефон: (8 366) 483-10-27 ёки 02.

ҲАЖМИ ЗЕТТАБАЙТГА ЕТАДИ


Рақамли ахборотлар ҳажми яқин орада зеттабайт кўрсаткичга тенг бўлади, деб ёзади «Гардиан» нашири. Бу — 1 180 591 620 717 411 303 424 байт дегани.

«Ай-Ди-Си» тадқиқот компанияси берган маълумотларга қараганда, ўтган йили рақамли шаклда сақланадиган ахборот 62 фоизга ошган. Ушбу ҳажмни тасаввур қилиш учун бир қиёсни келтириш зарур: зеттабайт кўрсаткичга эришиш учун бутун Ер юзидағи одамлар тинимсиз равишида ўз ҳабарларини бир аср давомида «жаҳон тўри»га жойлаштириши керак. Яна бир мисол: агар бу катталикдаги маълумотлар DVD дискларга ёзилса, уларнинг тахлами Ойгача етиб боради.

Айни кундаги рақамли ахборот таркиби асосан ижтимоий сайтларга жойлаштирилган маълумотлар, сурат, мусиқа ва видео файллардан ташкил топган. Мутахассислар 2020 йилга келиб «рақамли ахборот олами» ҳозиргидан ҳам 44 баробарга катталашишини таъкидлашмоқда.

**ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ
КУТИЛМОҚДА**

НАСА томонидан амалга оширилаётган «Спейс Шаттл» лойиҳаси келгусида ҳам давом эттирилиши мумкинлиги ҳақида унинг раҳбари Майл Саффредини хабар берди. Бундан бир муддат олдин эса лойиҳа жорий йилда якунланиши эҳтимолдан холи эмас, дейилаетган эди.



Агентликнинг расмий сайти (nasa.gov)да келтирилишича, мутахассислар 2011 йил ёзда яна бир бор «Атлантик» самовий аппаратининг парвозини ташкиллаштириши мўлжаллашмоқда. Агар ушбу фикр қўллаб-қувватланса, самодаги Халқаро космик станция (ХКС)нинг Америка сегменти (бўлинмаси)га илмий тадқиқотлар учун кўшимча ускуналар етказишига имконият тугилади. Бунда, аниқроғи, конденсатдан сув ҳосил қилишга мўлжалланган тизим учун эҳтиёт қисмларини ХКСга жўнатиш кўзда тутиляпти.

Шунга қарамай, ҳозирча лойиҳани молиялаштириш борасида бирон-бир маълум олинганича йўқ. Унинг доирасидаги охиригни парвоз шу йил ноябрда «Эн-девор» шаттли томонидан амалга оширилиши лозим. Даставвалига бу космик кема июль ойидаги самога чиқарилиши режалаштирилганди. Лекин бече ҳафта олдин шаттли станцияга етказиши зарур бўлган «AMS-02» магнитли альфа спектриметр (спектр чизикларини ҳосил қиладиган ва ўлчайдиган асбоб)да баязи камчиликлар аниқланди. Шу боис, парвоз бироз муддатга кечикирилди. «Спейс Шаттл» дастури якунланадиган бўлса, келгусида ХКСга астронавтлар Россиянинг «Союз» самовий кемаларида етказилади.

МИСР ТОПИЛМАСИ АСЛИДА НИМА?

Археолог олимлар Мисрда Птоломей даврига оид, деб таҳмин қилинаётган ва бош қисми бўлмаган ҳайкални топишган. Қора гранит (рангдор, қаттиқ төғ жинси)дан ясалган топилма Александрия шаҳридан бир неча километр узоқликда жойлашган Тапосирис Магна ибодатхонасида аниқланган. Ҳозирча мутахассислар бу номаълум ҳукмдорнинг ҳайкали, деган фикрда. Бу ҳақида «Франс-Прес» маълум қилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қадимиий бўюм 2000 йилдан ортиқ тарихга эга. Унинг бўйи 135, елка кенглиги эса 55 см. га тенг.

Кўхна маданият ишлари бўйича Миср Олий кенгаши раҳбари Захи Ҳоввосснинг таъкидлашича, ҳайкал эрамиздан аввалги 221-204 йиллари мамлакатни бошқарган Птоломей IV сиймосини акс эттирган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, олимлар қазилма ишлари пайтида ибодатхонанинг оҳакли пойдевор тошларидан бирида иншоотнинг кириш қисмida сфинкслар бўлганига ишора қилувчи изларни аниқлашган.

Умуман олганда, охиригни йилларда мазкур худуд қатор топилмалар билан археологларни янгидан-янги изланишларга унданомақда. Ҳусусан, 2008 йили бу ибодатхонада Эллинистик даврнинг сўнгги маликаси ҳайкали, унинг сурати туширилган танглар ва саркарда Марк Антонийга тегиши, деб таҳмин қилинаётган никоб топилган. Кейинчалик иншот яқинидаги яна ўнта мўйиёланган жасад қолдиклари бор, 27та қабр аниқланган. Аслида Тапосирис Магна бутхонаси подшо Птоломей II (эрениздан аввалги 282-246 йиллар) даврида барпо этилган бўлиб, бу ерда қазилма ишлари беш йил олдин бошланганди. Ҳозирча ҳам бу ерда ишларни давом эттираётган тадқиқотчилар ибодатхона худудидан малика Клеопатра ва ҳукмдор Марк Антоний сағаналарини топишга умид боғлашмоқда.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Баҳодир Ходиевга волида мухтарамаси **ЖАМИЛА аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Андижон вилояти Жалакудук тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

Абдувалик ШЕРМАТОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Баҳодир Ходиевга онаси **ЖАМИЛА аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ma'rifat»—«Учитель Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Баҳодир Ходиевга онаси **ЖАМИЛА аянинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ АСОСИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ҳаракатчан, бозор конъюнктурасига тез мослашади. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш, ўз навбатида ҳалқ фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. Бунинг исботини жадон молиявий-иқтиносий инқирози шароитида яна бир бор кўрдик.

Шунга эътибор қаратмоқ жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш ўта долзарб масала ҳисоб-

ланади. Фурқат Базаровнинг тадқиқотлари, изланишлари натижасида яратилган "Иқтиносий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликка солиқ солиш тизимини такомиллаштириш" монографияси ана шу жарайёда иқтиносий тизимини соҳасига таъсирини таҳлил қилишда, хориж тажрибасини ҳам ўрганиб, тегиши хулосаларни ўзида намоён этади.

Монографияда жаҳон молиявий-иқтиносий инқирози шароитида солиқ воситаларининг макроинқисодий тартиби тубдан ўзгариши ҳодисаси исботлаб берилган.

Шунингдек, монографияда солиқ солиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, кичик бизнес ва хусусий

графияда солиқ институтларининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантиришдаги роли ёритиб берилган. Муаллиф солиқ солиш тизимини ислоҳ қилиш ва унинг тадбиркорлик соҳасига таъсирини таҳлил қилишда, хориж тажрибасини ҳам ўрганиб, тегиши хулосаларни келтирилган.

Шунингдек, монографияда солиқ солиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, кичик бизнес ва хусусий

Ф.О.БАЗАРОВ

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРИЛКА СОЛИҚ СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

«ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ»

тадбиркорлик соҳасида инновацион ва инвестицион фаолликни ошириш хусусида таклифлар баён этилади.

**Акрам ҲОШИМОВ,
иқтиносод фанлари
доктори**

ЯШИЛ ХИРГОЙИ

Ўзини бахтли сезарди тап-такир саҳро.

У кўрмаган эди, билмасди

Олисдаги ойдин булокни.

Ўзини бахтли сезарди ойдин бир булок.

У ҳам билмас эди узокларда

Тап-такир саҳронинг мавжудлигини.

Албатта, бу мисралар кишини ўйга толдиди, бахтли бўлиш, бу хуррамликни ҳис этиши не экани хусусида мuloҳаза қилишга ўндаиди. Ўқувчини дунёни англашга, оламга теран нигоҳ билан боқишига, табиат ҳодисалари ва одамзоднинг кечинмалари ўртасидаги қандайдир кўз илғамас ришига мавжудлигини үкишга чоғлайди. Назаримда, кўлига қалам олиб ижод мавққатлари билан рўбарў бўлган қалбнинг ўз ўкувчиларига фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлар инъом эта олиш даражасига етиши ўртасида катта меҳнат, ўқиш ва изланишлар, ҳаёт мактаби илмими эгаллай олишдек ўйлабор. Аллақачон ўз ўкувчиларини топишарни ўзишган шоир ва публицист Икром Искандарнинг навбатдаги «Яшил хиргойи» китоби биз юқорида тилга олган жиҳатларга эга, ижодкорнинг янги шеърларидан жамлангани билан ҳам аҳамиятлиdir. Эътибор беринг-а, тўрт мисра,



бир неча сўзлардан иборат битик, лекин унинг замиридаги маъно сизнинг катта дардингизга монанд:

Кўзларинг ёшлар тўқади – сени тўқади бу ёшлар.

Ёки:
Кўнглимга йўл топмоқ бўлиб ўксинма,

йифлама, қанча ожиз бу ирмоқ – кўз ёш...

Йўлига ғов бўлиб ётар кўксимда юрак ҳажмича келадиган улкан Тош.


«Яшил хиргойи»даги ҳар бир сатр, мисранинг ўз юки, шеърхонга демоки бўлган гапи, алами, армони, шуқораси, мадҳи, сурури бор. Яхшиши уни маза қилиб, баъзиларини мағзини чақмоқ учун эҳтимол қайта-қайта ўқимок керак. Муаллифнинг ижодига эса барака тилаймиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

илем-маърифатга, эзгу амалларга, инсофга, меҳр-оқибатга ундаиди. Жумладан, ўкувчи ни фафлат ўйкусидан ўйғонишга, илм эгаллашча чорлаб шундай ёзди:

**Очигил кўзинг, ол-
гил сабок,
Дунё азал дарсхонадур.**

Унинг, айниқса, пурмаъно тўртликлари



Бола тарбияси масъуллиятли педагогик жараён бўлиб, у тарбиячи, ўқитувчи ва ота-онадан алоҳида эътиборли, талабчан бўлишни тақозо этади. Нотўғри тарбия, узундан-узоқ панд-насиҳат, арзираzmасга турткайлайвериши болага салбий таъсир қиласди. Хўш, тарбиянинг қайси усули маъқул? Педагогика фанлари номзоди, профессор Ойша



ТАРБИЯДА НИМА МУҲИМ?

Тўраеванинг «Оила – муқаддас қўрғон» китобидан бу саволларга бемалол жавоб топишингиз мумкин.

Китоб сўзбошисида таъкидлаганидек, «муаллиф қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ибратли воқеалар мисолида ўз мuloҳазаларини исботлашга ҳаракат қиласди. Бу эса тўпламнинг ўқишили ва ишончли бўлишини таъминлайди». Ҳақиқатан ҳам, китобда қаламга олинган қирқа яқин тушунчанинг ҳар бири алоҳида мавзу бўлиб, ҳаммаси ягона мақсад — оила педагогикаси ва комил инсон тарбияси билан боғлиқ.

«Бола бошидан, ниҳол ёшидан», «Ёшлик бебошлик эмас», «Ота-онанг — тужу таҳting», «Ўғил бола тарбияси» каби бир қатор боблар ўқитувчилар ва синф раҳбарлари, ёш ота-оналар учун тарбия жараёнида аскотади. Оилавий удум ва анъаналар, бешик, алла, исм танлашга оид фикр-мuloҳазалар ҳам китобхонни ўйлашга, хулоса қилишга даъват этади.


Махмуда ЗОИРХОН қизи

«ЭКОЛОГИЯ» ДАРСЛИГИ БАКАЛАВРЛАР УЧУН

Таникли олима — қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Дилором Ёрматованинг «Экология» китоби нашрдан чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан бакалавриат талабалари учун дарслак сифатида нашр килинган ушбу ўкув адабиётида «экология» тушинасининг барча қирларали мұфассал қамраб олинган. Муаллиф даставал ўзбекистонда экологик сиёсатнинг олиб борилиши хусусидаги мuloҳазаларни талабалар ҳукмига ҳавола этади. Хусусан, у республика измизда мустақиллик йилларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши 1,95 баробар, оқава сувларнинг ифлосланиши 2 баробарга камайганини таъкидлайди. Ўтган йилларда мамлакатимиз экологик сиёсатини амалга оширишда асосий стратегик йўналиш ҳисобланган «Ўзбекистонда 1999—2005 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури»нинг амалга оширилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, муаллиф мустақиллик йилларида «Экологик экспертиза тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида» (2000 й.), «Чиқиндилар тўғрисида» (2002 й.), «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида» (2004 й.) қонунларнинг қабул қилинганидан китобхонларни оғоҳ этади.

Дарсликнинг қайси бобини варақламанг ва



саҳифаларига кўз юргиртиманг, сизни бефарқ қолдирмайдиган фактлар, рақамлар ҳамда маълумотлардан ўрин билан фойдаланилганига гувоҳ бўласиз. Экологик муммаларни ҳал қилишга доир таклиф-мuloҳазалар баёни «Атроф-муҳитни тозалаш усуллари», «Экологик мониторингни ташкил қилиш» каби бобларда ифодалаб берилган.

Дарсликнинг амалий машғулотлар билан бойитилгани талабалар дикқат-эътиборини янада кўпроқ тортади. Унда муаллиф тупроқ, оқар сув, ҳавонинг ифлосланиши даражасини келтириб чиқарадиган технологик ва антропоген омиллар бўйича амалий машғулотларни тақдим этар экан, ўрганилаётган нарса-ходисаларга ҳам илмий, ҳам ҳаётий томондан ёндашади. Бир сўз билан айтганда, ушбу дарслик талабаларнинг экологияни ўрганишдаги эҳтиёжларига тўлиқ мос келади.

Х.КУЗМЕТОВА

Салом берган боланинг ўзи одбли, Кулиб турган юзлари гўё офтобли...

Бу мисралар «Бошланғич таълим» журналининг навбатдаги 4-сонидан олинди.

Бола тарбиясида бу каби шеърий сатрларнинг аҳамияти катта экани бизга аён. Негаки, ўша мактабга илк қадам кўйган кезларимиздан оқал ҳикматларининг магзини чақи, эртак ҳаракомларининг хатти-ҳаракатларидан тегишили хулоса чиқариш кўникмасига эга бўла борганимиз. Нашрдан ўрин олган «Одобнома» дарсларида ўтилиши режалаштирилган «Салом бериш — фарз» матери-



КОМИЛ ИНСОН – ВАТАН ТАЯНЧИ

али ана шундай вазифаларни адо этишига йўналтирилгани билан аҳамиятли. Матлуба Арипованинг «Ватан равнақиғояси», Зухра Тошпӯлатованинг «Буюк аждодларимиз фахримиз», Мастро Қаюмованинг «Китоб — бизнинг дўстимиз» материаллари ҳам ёшларимизни Ватана мұхаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш, билим олишга қизиқишиларини ошириш сингари мақсадларга йўналтирилган.

Маълумки, Миллий дастурни кенг кўламда амалиётга татбик этишида оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўз ўрини бор. Шу нутказ назардан, журнал саҳифаларидан ўрин олган «Бошланғич синфларда интерфаол таълим», «Сўз мавнолари устида ишлаш», «Кенг далага саёҳат», «Бадиий асарни идрок этишига тайёрлаш», «Иқтисодий тушунчаларни сингдириш» каби материаллар ўқитувчига дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этишида яқиндан ёрдам беради.

Хар галгидек нашр русийзабон муштарилар учун ҳам маҳсус руҳнлар ажратиб «До свидания, начальная школа!» деяномланган 4-синф ўкувчилари учун мўлжалланган байрам тадбири сценарийсини эълон қилган.

О.МУРОДУЛЛАЕВА



қарли, сермазмун шеърлари китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.
Голиб БАХРОМОВ

“ДУНЁ АЗАЛ ДАРСХОНАДУР”

“Ҳавосига ўтлиқ илҳом йўғрилган” дея таърифланган Кўкон шаҳрида яшаб ижод қилиб келаётган шоир Аъзам Назирий ҳам содда, самимий, маъноли ва таъсирчан шеърлари битилган “Фидомисан, ёр?” тўпламини адабиёт ихолосмандларига тақдим этди. Унинг шеърлари одамларни

илем-маърифатга, эзгу амалларга, инсофга, меҳр-оқибатга ундаиди. Жумладан, ўкувчи ни фафлат ўйкусидан ўйғонишга, илм эгаллашча чорлаб шундай ёзди:

**Очигил кўзинг, ол-
гил сабок,
Дунё азал дарсхонадур.**

Унинг, айниқса, пурмаъно тўртликлари

ТАЛАБАЛАР МУСОБАҚАГА ШАЙ!

«Universiada—2010»

Хозирда Андижон талаба-ёшларнинг ўзига хос Олимпиадаси олдидан янада чирой очмоқда. Олий ўкув юртларида беллашувлар ўтадиган спорт иншоотларида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани нафақат иштирокчиларини, балки маҳалла аҳлини ҳам кувонтирмокда.

Андижон қишлоқ ҳўжалик институти ҳам «Универсиада» спорт мусобақалари туфайли гўзал қиёфага кирди. Бу ерда спорт иншоотлари, ошхона, талабалар турар жойини таъминалаш ишлари амалга оширилалади.

Яқинлашиб келаётган «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари институт жамоаси, профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Ўкув маскани спорт мажмуасида спорт ўйинлари дастурига киритилган дзюдо, кураш, белбоғли кураш бўйича мусобақалар ўтказилади. Айни пайтда мажмууда «Ҳамкор-трансбарақа» ташкилоти томонидан таъминалаш ишлари олиб борилмоқда. Курувчилар ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажарип, спорт иншоотини ўз вактида фойдаланишга топширишни олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Колаверса, мазкур мажмууда институт талабаларининг жисмоний тарбия

ва спорт билан шуғулланиши учун янада кенг шароитлар яратилмоқда.

«Универсиада» нинг финал босқичига ташриф буюрганлар институтнинг 2-талабалар турар жойи биносида истиқомат қилади. Бу мансанда ҳам курувчиларнинг кўли-кўлига тегмайди. Улар таъминалаш, пардозлаш ишларни олиб боряпти. Бунёдкорлик ишлари якунлангач, «Универсиада — 2010» спорт ўйинларининг меҳмони бўлган 500 нафар талабанинг яшаси, кўнгилли хордик чикариши учун етарли шароит яратилади.

Шу билан бирга, олий ўкув юрти ҳудудида ҳам ишлар кизғин олиб боряпти. Бу ерда талабалар, ишчи-ходимлар манзарали дарахтларни парвариш қилишяпти. Янгидан кўчатлар, гул ниҳоллари ўтқазилиб, боғлар кенгайтириляпти. Амалга оширилаётган бундай кенг кўламдаги ишлар шахримиз ободлигига хизмат қилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалик ин-

ти тути спорчичи талабалари мамлакатимизда ўтказилаётган «Универсиада»да мунтазам қатнашиб келади. Хусусан, 4-босқич талабаси Элёр Абдузаторов бундан 3 йил аввал ҳам йирик мусобақаларда қатнашган эди. Элёр сингари ёшлар учун бундай тадбирлар ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда.

Институт спорчичи талабалари «Универсиада» спорт ўйинлари дастурига киритилган дзюдо, кураш, белбоғли кураш, футбол, енгил атлетика бўйича мусобақаларда қатнашди. Ёш половинлар айни кунда тажрибали мураббий Собирхон Пардаев кўл остида шуғулланяпти.

Кураш бўйича вилоят терма жамоаси аъзолари умумий жисмоний тайёргарлик машгулотларида маҳоратларини синовдан ўтказишаёт. Андижон қишлоқ ҳўжалик ва Андижон мұхандислик иқтисодиёт институтлари спортчилари тайёргарликни Андижон олимпия захиралари коллежи ўқувчилари билан биргалиқда олиб боришмоқда. Бундай ўзаро машгулотлар кел-

гусида самарасини беради, албатта.

Вилоятда 2003 йили «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг республика босқичи ўтказилган эди. Ана шу йирик спорт мусобақалари бўлиб ўтган Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи иншоотлари «Универсиада» иштирокчилари ихтиёрига бериб кўйилади. Бу ерда спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

Хозирда ушбу спорт иншоотлари киши ҳавас қиласа арзидиган кўринишга келтирилмоқда. Спорт манежида ички пардозлаш ишлари якунланди. Ташқи пардозлаш ишлари ниҳоясига ўтказиляпти. Ювениш, кийиниши хоналари, ўринидилар таъмирандан чиқарилди. Шунингдек, сузиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтадиган иншоот ҳам якуловчи босқичга шай қилингани. Ҳавзада 12та совутиш мосламаси ишга тушнилиб, 4ta совутгич ва сув тозалаш фильтрлари қайта таъмиранди.

О.СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мұхбери.
Андижон вилояти

«ОЛТИН БУТСА» СОТИПАДИ

Футбол бўйича 1994 йили ўтказилган жон чемпионатининг «Энг яхши тўпурури» бўлган Олег Саленко яна журналистлар диккати марказида. У мукофот тарзида берилган «Олтин бутса»сими рақиблар дарвозасига кирилган бта голи учун олганди.

Россия терма жамоаси шарифини ҳимоя қилган ҳужумининг мазкур қадрли совини учун Бирлашган Араб Амирликларида яшовчи бадавлат шайх 500 минг доллар таклиф қилгани тўгрисида Украина нинг «Блик» нашри хабар тарқатди. 40 бахорни қаршилаган футбольчи ҳам бунга розилик билдирган, сабаби — оддий: турмушдаги қўйинчиликлар. Саленко бундай оғир тўхтамга фақатгина бир шарт асосида розилик билдирган, янын «Олтин бутса» БАДаги гавжум музейлардан бирига берилади. Шундай бўлсанда, ҳарид ҳали амалга оширилганича йўк.

Футболчининг ўзи совин Украина ёки Россияда қолишини ислаёт. Агар яқин бир ҳафта ичидаги 500 минг берада оладиган рус ёки украинчик милионер топилса, араб шайхи қуруқ колиши ҳам ҳеч гап эмас.

«БРИЛЛИАНТ КАМАР» ЖАНГИ

Флойд Мэйвезер иқтидорли боксчилардан бири Шейн Мозли билан WBC таснифидаги «Бриллиант камар» учун рингга кўтарилди.

Кейинги вақтларда ўзининг фаол ҳаракатлари билан кўплаб мутахассислар диккатини тортаётган Флойд Мэйвезер мазкур баҳсада ҳам рақибидан устунлигини намойиш этишга ҳаракат қилди. Баҳска бир истеъоддли чарм кўлқон соҳиби Мэнни Пакьяго тенглashingтирилаётган Флойд келаси жангларидан бирини айнан унга қарши ўтказиши мумкин. Шейн рақиби Флойддан беш ёш катта бўлишига қарамай, рингда чақон ҳаракатланишга интилди. Нисбатан тажрибасини ишга солиб, хавфли ҳужумлар ушотиришга ҳам мувофқа бўлди. Бироқ воқеалар ривожига кўра, ёш ва кучгайратга тўла Флойд мақсадига эришиди, у Шейнни (119-109, 118-110, 119-109) ёнди ва WBC таснифидаги «Бриллиант камар» соҳибига айланди.

ГОЛИБЛИК КУЧЛИГА НАСИБ ЭТАДИ

Баскетбол бўйича «кўхна китъа»нинг энг нуфузли турнири санаалмиш Евролига чорак финали учрашувлари кеча тунда бўлиб ўтди. Унда Испаниянинг «Барселона» клуби Россиянинг ЦСКАсига қарши майдонга чиқди.

Франция пойтахти Париж шахри мезбонлик қилаётган мазкур мусобақада зафар қозони ҳар қандай гранд жамоанинг орзуидир. Москва жамоаси ЦСКА каторасига сакизини марта Евролига чорак финалида иштирок этишти. Шунинг учун ҳам ўйин олдидан ўтказилган матбуот анжуманида «Барса» устози Хавьер Паскуаль иккى жамоанинг куни тенглигини ва ҳеч қандай фаворит йўқлигини aloҳида таъидлаб ўтди. Ўтган йили Берлин шахрида кечган ярим финал баҳсада ҳам ЦСКА ва «Барселона» қарама-қаршилиги кузатилганди ва унда «харбий»лар 82:78 хисобидаги галабани ўз ҳисобларига ёзиб қўйишганди.

ЧИЛИЧНИНГ ИШОНЧЛИ ГАЛАБАСИ

Мюнхен шахрида ўтказилаётган ютуқ фонди 400 минг еврони ташкил этувчи яна бир номдор биринчиликда хорватиялик теннисчи Марин Чилич чорак финал йўлланмасини кўлга кириди.

У маҳаллий спорти Симон Грайлни уч сенатишига кўра, 6:7 (6:8), 6:2, 7:5 хисобида додга қолдириди. Чиличнинг галдаги рақиби номи ҳам маълум: испаниялик Николас Альмагро (6-рақамли теннисчи). Чорак финалинг яна бир жуфтлигига олмон спорччиси Филипп Кольшрайбер (4) ва кипрлик Маркос Багдатис (5) баҳслашди.

«Рейтерс» берган маълумотта кўра, россиялик теннисчи Мария Кириленко ва Анастасия Павлюченкова Рим шахрида ўтказилган нуфузли халқаро теннис турнирида мағлубиятга учраб, мусобақани тарқ этишиди. Кириленко учун турнир мувффакиятсиз келди, дейиш мумкин. Чунки у бир кунда иккى маротаба мағлубият ала-мини тотишга мажбур бўлди. Яккалик баҳсларида у америкалик биринчи рақами ракеткаси Серена Уильямс билан 1/4 финалда рўбарў келганди.

ҲАРАКАТ — БАРКАМОЛЛИК ҚАЛИТИ

Iqtidorli sportchi

Хозирги кунда ёшларнинг ўз иқтидорини намойиш этиши учун жуда кенг имкониятлар эшиги очилган. Шунга мос равишда спорт, фан-техника, маданият, санъат ва бошқа кўплаб соҳаларда муваффакиятларга эришаётган ўғил-қизлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Спортда жуда яхши кўрсаткичларга эришиб, Ватанимиз номини кўйларга кўтараётган Ўзбекистон ва жон чемпиони Рустам Магдиев саккиз ёшидан жисмоний тарбия билан шуғулана бошлади. Спортчи ўзининг тинимизсиз ҳаракатлари натижасида Доҳада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кўл жангни бўйича чемпион бўлиб қайтиди. Бундан ташқари, тиниб-тинчимас Рустам Магдиев беш марта турнирда халқаро турнирларда голиб бўлишга эришиди. Шундай бўлсада, у ўз натижаларидан қоникмайди. Бундан-да юксак мэрраларга

интилади. Шунинг учун кўл жангни билан бирга 4 йилдан бери спортнинг ушу тури билан ҳам мунтазам шуғулланиб келмоқда. У республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, тўрт маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди.

— Менинг шундай ютуқларга эришиб, ўз иқтидоримни намойиш қилишимда, хукumatimiz томонидан биз ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар қатрида мураббийим Асад Ўриновнинг ҳам хиссаси катта. Чунки устозим спорт сирларини ўргатиш билан бирга, кўлимдан кўп ишлар

Турин политехника университети қошидаги академик лицей ўқитувчилари таркиби тарнивоти

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва педагогик иш стажига эга бўлган ҳамда академик лицейда ишлаш истагини билдириган юкори салоҳиятли ва малакали мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- директор номига ариза;
- сўровнома (кадрларни хисобга олиш варагаси) ва таржима ҳол;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

Ҳужжатлар ушбу эълон чори ўтилган кундан бошлаб 2 ой мuddат ичida қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шахри, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 17-йи. Турин политехника университети биносида. Мурожаат учун телефон: 246-10-42.



Хурматли
Нурполат
РАХИМОВ!

Сизни 61 ёшиниз
гиз ва таваллуд ай-
ёмингиз билан чин
дилдан кутлаймиз!
Кирк йилдан буён
умрингизни ўсиб ке-
лаётган ёш авлод тар-
биясига багишиладингиз.

Шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда битмас-туганмас куч-куват, файрат ва шижаот, узоқ ва сермазмун умр ҳамда мустахкам соғлик тилаймиз. Кўп ийллар давомида фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш баҳти насиб этсин! Оилангиздан файзу барака, шодлик аrimасин.

Кумкўргон туманидаги
43-мактаб жамоаси ва
яқинларингиз.



РАФБАТ – ИСТЕЬДОДГА КУВВАТ

Олтиариқ педагогика касб-хунар колледжида ўкувчи-ёшларнинг билим ва кўникмаларини ошириши, ўз салоҳияти ва ижодий имкониятларини намоён этиши учун барча шароит яратилган.

Кимё, физика, биология фанларини чукур ўргатиш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали воситалар, компьютер ва лингафон синфхоналари, шунингдек, ёпиқ спорт мажмуаси, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрига берилган. Билим масканида 25та фан ва 9та спорт тўгараги ишлаб турибди. Спорт тўгаракларига 400 нафардан ортиқ ёшлар жалб этилган.

Суратларда: машғулотлардан лавҳалар акс этган.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markazi Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinnbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinnbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinnbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yhatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.
Tirajji 40656.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bositgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Oybuv OCHILOVA.

Navbatchi:
Sanjar RUSTAMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifa qaytarilmaydi.
Mog'rib ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib – 233-99-15, umumiy o'rta va muktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi – 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kash-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi – 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi – 236-54-69, ma'naviyat va muktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi – 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi – 236-55-58, reklama va marketing bo'limi – 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqt – 21.00.
Topshirildi – 04.00
ЎЗА якун – 21.00